Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 96 (6208). 18 май, 1978 йил, ▲ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЛЕНИН ДЕКРЕТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СЕССИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг шонли сана — В. И. Ленин Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги декретни имзолаган кунининг 60 йиллигига бағишланган сессияси қатнашчиларини самимий табриклайман. Бу тарихий ҳужжат бир замонлар Ўрта Осиё районлари ва Қозоғистон каби қолоқ бўлган миллий чекка ўлкаларни тубдан қайта қуришга асос солди. Ёш Совет республикаси ўша вақтда мислсиз қийинчиликларни бошдан кечириб турганлигига қарамай, бу ўлкада ирригация ишларини олиб бориш учун 50 миллион сўм ажратиб берди. Бу — партиямизнинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлигининг, Россия ишчилар синфи Туркистон меҳнаткашларига қардошларча ёрдам берганлигининг ёрқин намунасидир.

В. И. Ленин «суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди», деб таъкидлаб, ерларни мелиорациялаш катта социал-иқтисодий аҳамиятга молик эканлигини уқтириб ўтди. Владимир Ильичнинг гениал башорати эндиликда реал воқеликка айланди. Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, Қозоғистон кўл миллатли ватанимиз ишчилар синфи билан деҳқонлари иттифоқининг қудратли кучига таяниб, Коммунистик партия раҳбарлигида тарихан қисқа вақт ичида бутун қишлоқ хўжалигини революцион тарзда қайта қурдилар, феодал тузумдан социализм сари олға қараб жуда катта қадам қўйиб, ана шу бепоён районларнинг экономикаси ва маданиятини мислсиз тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминладилар.

Бизнинг партиямиз Ленин ғояларини ижодий ривожлантириб, ерларни кенг кўламда мелиорациялаш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумида қабул қилинган программани изчиллик билан амалга оширмоқда. Бизда мелиорация қурилишининг миқёслари жаҳон илгари ҳеч қачон билмаган даражада ғоят кенгайиб кетди. Суғориладиган ерларда пахтачилик ва шоликорликнинг қудратли базаси вужудга келтирилганлигидан ҳаммамиз ҳақли суратда фахрланмоқдамиз. Мелиорация эндиликда умумхалқ иши бўлиб қолди.

Олимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари КПСС XXV съезди белгилаб берган сув хўжалиги қурилиши программасини амалга ошириш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарф қиладилар, мелиорация фани ва техникасини тараққий эттириш учун, мелиорация самарадорлигини ва унинг аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотининг барча турлари билан барқарор таъминлашдаги ролини ошириш учун сабот-матонат билан самарали кураш олиб борадилар, деб астойдил ишонаман.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси юбилей сессиясининг қатнашчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча меҳнаткашларига ишда катта муваффақиятлар, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.


СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

16 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Биринчи масала — иттифоқдош республикаларнинг янги Конституцияларини тайёрлаш ва қабул қилиш соҳасидаги иш якунларига бағишланди.

Мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий воқеа юз берди, деб таъкидлади **Л. И. Брежнев** мажлисни очиб. Давлат қурилишининг бой тажрибасини, социалистик демократиянинг тобора ривожланаётганлигини, совет халқлари бузилмас иттифоқининг улуғ кучини мужассамлаштирган Конституциялар қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** шу масала юзасидан ахборот берди. Республикаларнинг Конституциялари лойиҳалари партия органлари раҳбарлигида, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май, октябрь ва декабрь Пленумлари қарорларининг, СССР янги Конституциясининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев асарларининг мустаҳкам негизида тайёрланди. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Конституцияларини тасдиқлаган навбатдан ташқари сессиялари иши депутатларнинг бениҳоя зўр якдиллиги, юксак активлиги вазиятида ўтди. Иттифоқдош республикалар Конституцияларининг муҳокама қилиниши ва қабул этилиши халқнинг партия теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатувчи яна бир яққол далил бўлиб қолди.





Суратда: СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси. Ўртоқ Л. И. Брежнев конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги Фармон ҳамда Ерлиққа имзо чекмоқда. В. Мусаэльян фотоси. (ТАСС).

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан **Л. И. Брежнев** бундай деди:

Партия ана шу Конституцияларнинг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйишдан кўзлаган мақсадга эришилди, деб ҳисобласа бўлади. Шу қадар муҳим ишда миллион-миллион совет кишилари иштирок этганлиги Асосий Қонунларга аниқликлар ва қўшимчалар киритиш, уларни халқ тажрибаси билан бойитиш, ҳар бир республиканинг хусусиятларини ҳисобга олиш имконини берди.

Шу муносабат билан баъзи бир принципиал муҳим жиҳатларга эътиборни қаратиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, СССР Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилиш давомида бўлганидек, совет кишилари гражданнинг ўз меҳнати учун, умумий ишга қўшадиган ўз ҳиссаси учун, бўлган масъулияти билан боғлиқ масалаларни яна биринчи ўринга қўядилар.

Совет киши ўзининг камчиликларга муроса қила олмайдиган, уларни тугатиш учун сидқидилдан ҳаракат қиладиган, иш учун жон куйдирадиган инсон эканлигини, Ватан тақдирини ўз тақдиридан ажратмайдиган инсон эканлигини ҳамма жойда кўрсатиб келмоқда. Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафаримда мен буни алоҳида куч билан яна бир бор ҳис этдим.

Конституцияларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида эътиборга сазовор бўлган кўп таклифлар тушди. Бу ўринда ҳеч бир нарсани назардан қочирмаслик, жамики фойдали ва қимматли тақлифларни мисколлаб тўплаш, меҳнаткашларнинг истакларини амалий ишда имкони борича тўлароқ ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Бу — республика ва маҳаллий органларнинггина эмас, шу билан бирга марказий органларимизнинг ҳам вазифасидир, албатта.

Иккинчидан. Муҳокама бутун жамиятимиз чуқур интернационализмининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқлар дўстлиги — социализмнинг чинакам бебаҳо галабаси, ривожимизнинг кудратли ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини СССР Конституцияси ва республикаларнинг Конституциялари яна бир карра тасдиқлади.

Партиямиз миллий хусусиятларга ҳамиша зўр эътибор ва ҳурмат билан қараб келди ва ҳозирда ҳам шундай қилмоқда. Шу билан бирга у Ленин васиятларига амал қилиб, меҳнаткашларни миллий маҳдудликка ва кибр-ҳавога муросасизлик руҳида сабот билан тарбияламоқда.

Барча республикаларимиз экономикаси ва маданияти, ҳамма социалистик миллатларимиз ва элатларимиз гуркираб ривожланаётганлиги, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт нафасининг ўзи ҳар бир совет миллатини; барча совет кишиларининг қардошларча ҳамкорлиги, уларнинг миллий маданиятлари бир-бирини ўзаро бойитиш, бутун Улуғ Советлар мамлакатининг умумхалқ, умумдавлат проблемалари муваффақиятли ҳал этилиши — бизнинг бундан буёнги равнақимиз гаровидир, деган оддий хулосани чиқаришга олиб келмоқда. Одамларнинг янги тарихий бирлиги бўлмиш совет халқи бузилмас бирлигининг негизи ана шундан иборат.

Ниҳоят, учинчидан. Республикаларнинг Конституцияларини ишлаб чиқиш ва қабул этиш учун маҳаллий ҳокимият органларини ривожлантириш проблемаларига жуда катта эътибор берилаётганлиги характерли бир хусусият бўлиб қолди.

Биз Конституцияларда маҳаллий Советларнинг вазифаларини бу қадар муфассал белгилаб қўяётганлигимизнинг боиси шуки, умумхалқ иродаси аввало ана шу Советлар орқали амалга оширилади ва аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

«Советдаги ҳар бир киши — одамлар учун масъул киши» деган матал бизнинг замонамизда тўқилди. Модомики, шундай экан, Конституцияларимизнинг мамлакатда қилинаётган ҳамма ишлар учун ҳақиқатан ҳам масъул бўлган Советлар тўғрисидаги барча қоидалари айниқса пухта бажарилиши лозим. Бу — давлат аппарати ходимларининг бевосита бурчидир. Бу — партия органларининг энг муҳим вазифасидир.

Ҳозир, ўртоқлар, автоном республикалар Конституцияларининг лойиҳалари муҳокама қилинаётганлигидан ўзларингиз хабардор бўлсангиз керак. Шу Конституциялар қабул этилгач, деди пировардида Л. И. Брежнев, етук социализмнинг ижтимоий ва давлат тузумини конституцион жиҳатдан расмийлаштириш соҳасидаги, умумхалқ давлати қонунларининг бутун системаси пойдеворини яратиш соҳасидаги катта ва кўп ғайрат талаб қилувчи иш ниҳоясига етказилади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТАБИИЙ МУҲИТГА ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ВОСИТАЛАРИДАН ҲАРБИЙ МАҚСАДЛАРДА ЁКИ БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ДУШМАНЛИК МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССР Министрлар Совети ратификация қилиш учун тақдим этган ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан 1977 йил 18 майда Женевада имзоланган ҳамда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиялари томонидан маъқулланган табиий муҳитга таъсир ўтказиш воситаларидан ҳарбий мақсадларда ёки бошқа ҳар қандай душманлик мақсадларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция **ратификация қилинсин.**

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1978 йил 16 май.

ЛЕНИН ЧИЗИБ БЕРГАН ПЛАН АСОСИДА

ВАСХНИЛнинг Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Ленин декретининг 60 йиллигига бағишланган сессиясидан

Тошкентда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Ленин декретининг 60 йиллигига бағишланган сессияси очилди.

Унитилмас кун — 1918 йил 17 май Ўзбекистоннинг, бутун мамлакатнинг йилномасига олтин ҳарфлар билан ёзилди. В. И. Ленин ўша куни «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиб бериш ҳақида ва бу ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги тарихий декретни имзолади. Мамлакат иқтисодий вайронгарчиликдан азоб чекмоқда эди, душманлар уни ҳамма томондан қамал қилган эди. Октябрь революциясининг йўлбошчиси, Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташкилотчиси эса комил ишонч билан истиқболга назар солди, хусусий мулкчиликдан, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишидан халос бўлган янги жамиятни барпо этиш йўлларини белгилади. Ильич Ўрта Осиёнинг келажагини аниқ-равшан кўрди. Бу ўлка совет халқлари ҳамдўстлигининг ёрдамига таяниб, асрий қолоқликка хотима бериши ва совет тузумининг ҳаётбахш кучини намойиш қилиши керак эди.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси (ВАСХНИЛ)нинг 17 май куни Тошкентда очилган сессияси Ленин декретининг олтмиш йиллигига бағишланди. Бу сессия Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон Фанлар академияларининг олимлари билан биргаликда ўтказилмоқда. Сессияга Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларининг чўлқуварлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг илғорлари таклиф этилди.

Сессия қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Леонид Ильич Брежневнинг В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академияси сессиясининг иштирокчиларига йўллаган табрикномасини ҳамма гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов табрикномани ўқиб берди.

ВАСХНИЛ президенти академик П. П. Лобанов раислигида ўтган мажлисда Ленинининг декрети ва Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистонда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ҳақида, суғориладиган деҳқончиликда фан-техниканы тараққий эттириш ҳақида, пахтачиликда суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг агротехника асослари хусусида ва суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш тўғрисида Ленининг буюк васиятларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа бир қанча актуал масалалар ҳақида докладлар тингланди. СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, ВАСХНИЛ гидротехника ва мелиорация бўлимининг академик-секретари, шу академиянинг мухбир аъзоси Б. Б. Шумаков, СОЮЗНИХИ директори, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси А. Имомалиев, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси А. Н. Мақсумов, Чимкент областидаги «Пахтаорол» совхозининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ли Тен Хан, Қирғизистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри А. К. Кожомқулов, Туркманистон ССР деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори А. Д. Худойқулов доклад қилдилар.



ТОШКЕНТ, 17 май. ВАСХНИЛ илмий сессияси президиумида. А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

Докладларда таъкидлаб ўтилганидек, Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети Ильичнинг буюк режаларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар, совет республикаларининг қишлоқ хўжалигини, бутун экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Леонид Ильич Брежневнинг ВАСХНИЛ юбилей сессиясининг қатнашчиларига йўллаган табрикномаси буни яққол исбот этади.

Сессия қатнашчилари миллионларча меҳнаткашларнинг фикр ва туйғуларини ифодалаб, бу табрикномада пахтакор республикаларда Ленининг тарихий декретида баён этилган вазифаларни бажариш соҳасида қилинган катта ишларга юксак баҳо берилганлиги тўғрисида ифтихор билан гапирдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Владимир Ильичнинг гениал башорати эндиликда реал воқеликка айланди, Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, Қозоғистон меҳнаткашлари кўп миллатли мамлакатимиз ишчилар синфи билан деҳқонлари иттифоқининг қудратли кучига таяниб, коммунистик партия раҳбарлигида тарихан қисқа вақт ичида бутун қишлоқ хўжалигини революцион тарзда қайта қурдилар, феодал тузумдан социализм сари олға қараб жуда катта қадам қўйиб, ана шу бепоён районларнинг экономикаси ва маданиятини мислсиз тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминладилар, деб таъкидлади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзлари ҳар бир совет ватанпарварининг қалбида чексиз ифтихор ҳисларини туғдиради. Шу билан бирга сессия қатнашчилари Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси янги зафарларга чорлайди, деб уқтириб ўтдилар. Бу табрикнома олимлар учун, қишлоқ меҳнаткашлари ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари учун чинакам жанговар ҳаракат программаси бўлиб, уларни партиянинг XXV съезди белгилаган бунёдкорлик ишлари улуғвор программасини амалга ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларни кўлга киритишга илҳомлантиради.

Сессия қатнашчилари Ленин декретининг буюк аҳамиятини батафсил таърифлаб бердилар. Бу декрет Ленин даҳосининг кўп қиррали эканлигини, у ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолган халқнинг ижодий кучларига чексиз ишонганлигини тасдиқловчи ажойиб далилдир. Қишлоқда социализм қурилишининг улуғ ленинча плани ғоялари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳамма босқичларида совет кишилари учун сўнмас машъал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида айтганидек, «вақт ўтиб боради, вазият ўзгаради, янгидан-янги вазифалар ўртага қўйилади, аммо Ленин кўрсатиб берган йўл бирдан-бир ҳаққоний, бирдан-бир тўғри йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади». Совет кишилари қишлоқ хўжалигимизда содир бўлган туб ўзгаришларга баҳо бериб, бу ўзгаришларнинг биринчи манбаи — В. И. Ленининг фикр ва режаларига миннатдорчилик билан назар ташлайдилар.

(Давоми 3-бетда).

МОСКВАГА ВИЗИТ

Мексика Қўшма Штатларининг президенти Хосе Лопес Портильо СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан 17 май куни расмий визит билан Москвага келди.

Мексика ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар Х. Л. Портильони самолёт зинапояси олдида кутиб олдилар.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг уч тури — пиёдалар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Л. И. Брежнев билан Х. Л. Портильо совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Мексика ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Пойтахтнинг Совет Иттифоқи билан Мексика раҳбарлари тушган машина мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўтган кўчалари ва майдонлари ҳар иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан, табрик транспарантлари билан безатилган эди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

(Боши биринчи бетда).

СССР Олий Совети Президиуми муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари, деб таъкидланади қарорда, СССР Конституциясининг 76-моддаси талабларини бажариб, ССР Иттифоқи Конституциясига мос келадиган ва ҳар бир республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган иттифоқдош республикаларнинг янги Конституцияларини тасдиқладилар. Меҳнаткашларнинг Конституциялар лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида айтган ҳамма мулоҳазаларини, Олий Советларнинг депутатлари киритган таклифларни сабот билан рўёбга чиқариш зарурлиги уқтирилди. Янги Конституцияларнинг ҳар бир қондасини амалга ошириш соҳасида халқ депутатлари Советларининг, барча давлат органларининг асосий вазифалари белгиланди.

Президиум СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани тўғрисидаги ва СССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети ҳақидаги қонунларда кўзда тутилган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида СССР Министрлар Советининг ахборотини тинглади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **А. Н. Косигин** ахборот берди.

Ахборотда шу нарса таъкидландики, ҳукумат СССР Олий Советининг топшириғини бажариш юзасидан доимий комиссиялар ва депутатларнинг таклифлари ҳамда мулоҳазаларини рўёбга чиқариш тўғрисидаги масалани икки марта муҳокама қилди. Бу таклиф ва мулоҳазалар министрликларнинг, идораларнинг коллегияларида ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг мажлисларида қараб чиқилди, уларни амалда юзага чиқариш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳамма масалаларни ҳам бирданига ҳал этиб бўлмайди, албатта, деди сўнгра А. Н. Косигин. Кўпгина масалаларни амалга ошириш учун анчагина маблағ, халқ хўжалик планида кўзда тутилмаган қўшимча капитал маблағ керак бўлади. Бироқ, шундай бўлса ҳам асосланган таклифлар умумий ишимизга хизмат қилади, келгуси йиллардаги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини тайёрлаш ва тузишга ижобий таъсир қилади.

А. Н. Косигин кўпгина таклифлар ва мулоҳазаларни амалга оширишга доир тадбирлар план топшириқларида, шунингдек 1978 йилги социалистик мажбуриятларда ўз ифодасини топганлигини айтиб, қандай ишлар қилинаётганлигини кўрсатувчи бир қанча конкрет мисолларни айтиб берди. Жумладан, Канск-Ачинск ёқилғи-энергетика комплексини барпо этишга доир тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни жадаллаштириш тўғрисидаги, мамлакатнинг энергетика системаларидаги қувватлар резервини ошириш ҳақидаги, рангли металлургиянинг хом ашё базасини янада ривожлантириш тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш учун керакли машина ва ускуналарни яратиш, синаш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир ишларни тезлаштириш зарурлиги ҳақидаги, янги қурилиш районларидаги ҳамда РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасидаги хўжаликларни ривожлантириш масалаларини янада комплекс ҳал қилиш тўғрисидаги таклифлар ва бошқа баъзи таклифлар қандай бажарилаётганлигига эътибор жалб этилди. СССР Министрлар Советининг Президиуми яқинда ўрток Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида шу районларни 1990 йилгача бўлган давр ичида иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш юзасидан берган йўл-йўриқлари ва тавсиялари муносабати билан тузилган тадбирлар программасини кўриб чиқиб, маъқуллаганлиги ҳам айтилди.

Пировардида А. Н. Косигин шуни таъкидладики, СССР Министрлар Совети СССР Олий Совети доимий комиссиялари ва депутатларининг таклифларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш ишини тўғри ташкил этишга катта аҳамият беради ҳамда бу ишга келгусида ҳам муносиб эътибор бераверади.

Л. И. Брежнев шу масала юзасидан сўзга чиқиб, бундай деди:

Ўйлайманки, ўртоқлар, биз СССР Олий Совети Президиумида СССР Олий Советининг қарорларини, у қабул этган қонунларни бажариш билан, доимий комиссияларнинг тавсияларини, депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни синчиклаб кўриб чиқиб, тўғри йўл тутаяпмиз.

Бизда таркиб топаётган практика Конституция талабларидан тўла-тўкис келиб чиқади ва ижтимоий ривожланишнинг энг зарур эҳтиёжлари ҳам шуни талаб қилади.

СССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Қарор лойиҳасини палаталарнинг план-бюджет комиссиялари киритди. СССР ҳукуматига доимий комиссиялар ва депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазалар СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан изчиллик билан рўёбга чиқарилиши устидан контролликни таъминлаш топширилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми табиий муҳитга таъсир ўтказиш воситаларидан ҳарбий мақсадларда ёки бошқа ҳар қандай душманлик мақсадида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида 1977 йил 18 май куни Женевада имзоланган ҳамда СССР Министрлар Совети тақдим этган конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Президиум мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри **А. А. Громико** нутқ сўзлади. Коммунистик партия билан Совет давлати, деб таъкидлади у, урушнинг олдини олишга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга қаратилган куч-ғайратларни изчиллик билан, йил сайин кўпайтирмоқдалар. Совет Иттифоқи қуролсизланиш учун кенг жабҳа бўйлаб кураш олиб бормоқда.

Қурол-яроғларнинг мавжуд турларини чеклаш ва қисқартиришга доир тадбирлар билан бир қаторда кейинги йилларда қурол-яроғларнинг, айниқса оммавий қирғин қуроли янги турлари пайдо бўлишининг олдини олиш, шунингдек қуролланиш пойгасининг янги соҳаларга тарқалишига йўл қўймаслик вазифаси тобора кўпроқ актуаллик касб этмоқда.

А. А. Громико конвенцияни батафсил таърифлаб берди, унинг кучга кириши халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги янги қадамгина бўлиб қолмай, шу билан бирга инсон атрофидаги муҳитни сақлашнинг муҳим омили ҳам бўлишини таъкидлади. Конвенция совет халқининг, дунёдаги барча халқларнинг манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси **Б. Н. Пономарев** СССР Олий Совети палаталарининг ташқи ишлар комиссиялари номидан сўзга чиқди. Конвенциянинг кучга кириши, деб таъкидлади у, қуролланиш пойгасини жиловлаш ишига қўшилган янги ҳисса бўлади. Бу конвенция ҳуқуқий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, шу билан бирга муҳим маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлади, инсон табиатнинг бирдан-бир заковатли қисми эканлигини ва айни шу боисдан ҳам у ўз заковатидан табиатга зарар келтирадиган, бутун инсониятга зарар келтирадиган тарзда фойдаланиш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслигини одамларга эслатиб туради. Комиссиялар СССР Министрлар Советининг конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида хулоса чиқариш учун берган таклифини якдиллик билан маъқуллаганликларини Б. Н. Пономарев маълум қилди ва комиссияларнинг топширувига биноан бу муҳим халқаро хужжатни ратификация қилиш тўғрисидаги тавсияномани Президиум муҳокамасига тақдим этди.

Л. И. Брежнев бўлиб ўтган муҳокамани якунлаб, қуйидагиларни уқтириб ўтди:

Бугун биз ратификация қилаётган конвенция янги урушга тайёргарлик кўриш соҳасини бирмунча қисқартирадиган яна бир конкрет қадамдир. КПСС XXIV ва XXV съездларида қабул этилган Тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошираётган Совет Иттифоқи шу ишнинг ташаббускори бўлди.

Шу билан бирга конвенция замонамизнинг яна бир жуда муҳим вазифасини — еримиз — одамлар планетаси бундан буён ҳам одамларга хизмат қилиши учун унинг бутун гўзаллиги ва хилма-хиллигини сақлаб қолиш вазифасини лўнда тарзда ифодалайди, деса бўлади.

Совет Иттифоқи табиатни, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, минерал ресурсларини сақлаб қолиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Буни бизга Ленин васият қилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қабул этилган 100 дан ортиқ ҳужжатга Ленин имзо чеккан. Партиямизнинг XXV съезди бу йўлни яна тасдиқлади. Биз бундан буён ҳам шу йўлдан бораверамиз.

Аммо биз планетада бир ўзимиз яшаётганимиз йўқ. шу боисдан ҳам табиатни сақлаб қолиш ер куррасида яшаб турган барча кишиларнинг куч-ғайрат сарфлашларини талаб қилади. Табиатга бир қитъада етказилган жароҳат бошқа қитъага ҳам таъсир қилмай қола олмайди. Айниқса бу жароҳат ёвуз ният билан, одамларга зиён етказиш мақсадида, жўрттага қилинган бўлса изсиз қолмайди. Илм-фан ривожланган сайин бундай қилиш имкониятлари, афсуски, ортиб бормоқда.

Мазкур конвенция барча давлатларга тааллуқли. У ҳар бир халқнинг ер юзида осойишта яшаш ҳуқуқини тасдиқлайди, бизнинг ўзимизгина эмас, набира ва чевараларимиз ҳам ҳар бир инсон ҳаётининг табиий асоси бўлмиш табиат неъматларидан баҳраманд бўла оладилар, деган умидни мустаҳкамлайди.

Биз мазкур конвенцияни маъқуллаш билан бирга ҳамма давлатларни шу конвенцияга қўшилишга чақирамиз. Табиатни муҳофаза қилиш — ҳамманинг иши, бу иш бутун инсониятнинг куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади.

Ўртоқлар, БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси иш бошлашига атиги бир неча кун қолди. Совет Иттифоқи бу сессияга ғоят салмоқли программа билан боради. Бу программа қуролланиш пойгасини ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан батамом тўхтатишга, барча халқаро проблемалар орасида энг муҳим бўлган қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда чинакам бурилиш ясашга қаратилган.

Давлатларнинг ҳозир мазкур конвенцияни маъқуллашлари — гарчи ўз қамрови жиҳатидан чекланган бўлса ҳам, шу йўлдаги бир қадам бўлади. Конвенцияни кучга киритиш орқали унинг катнашчилари: давлатларнинг аслаҳахоналарида уруш ва қирғин қуролларининг янги хатарли формалари пайдо бўлишига йўл қўйиш оқилона иш эмас, деб таъкидлагандек, бўладилар. Бундай формаларнинг пайдо бўлиши жуда катта зарар келтиради ва уни тузатиш қийин бўлади.

Шу сабабли сўзимнинг охирида қуролланиш пойгасини чеклашнинг бошқа етук проблемаларини ҳам тезроқ ҳал этиш зарурлигини эслатиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

СССР Олий Совети Президиуми табиий муҳитга таъсир ўтказиш воситаларидан ҳарбий мақсадларда ёки бошқа ҳар қандай душманлик мақсадларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияни бир овоздан ратификация қилади.

Л. И. Брежнев Президиум номидан конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги фармон билан ёрлиқни имзолайди.

Шундан кейин Президиум «Известия Советов Народных депутатов СССР» газетаси ва «Советы народных депутатов» журнали редакцияларининг Советлар ҳамда улардаги депутатлар иш тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштиришни янада яхшилаш соҳасидаги иши масаласини муҳокама қилди. Мажлисда «Известия» газетасининг бош редактори **П. Ф. Алексеев** ва «Советы народных депутатов» журналининг бош редактори **М. Ф. Стрепухов** ахборот бердилар. Улар қилинган иш тўғрисида, редакцияларнинг коллективлари ўз олдиларида турган масъулиятли вазифаларни қандай ҳал этаётганликлари ҳақида Президиумга маълумот бердилар.

Ана шу матбуот органларининг ишини таърифлаб, **Л. И. Брежнев** бундай деди:

Ўртоқлар, «Известия» ҳам «Советы» журнали ҳам катта ва фойдали иш қилмоқда, албатта. «Известия»га бундан икки ой муқаддам «Октябрь Революцияси» орденини топшириш вақтида шу газета хусусида бу ҳақда гапириб ўтган эдим. Яқинда «Советы народных депутатов» журнали ҳам мукофотланди. Ана шу «Известия»чи журнал ходимлари ҳам айтилган гапларнинг баъзи бирларини ўз шаънларига айтилган гаплар деб қабул қилишлари мумкин.

Биз, коммунистлар ҳамиша мукофотни янги-янги муваффақиятлар билан жавоб бериш лозим бўлган бир нақаз деб биламиз. Шу сабабли бугун газета ва журнал ишига анча талабчанлик билан, анча танқидий назар билан қараш ўринли бўлади. Ҳар бир нашрнинг ўз қиёфасини белгилайдиган ўзига хос бош мавзуи борлиги равшан. Совет ҳокимияти органларининг бутун хилма-хил фаолияти, халқ сайлаб қўйган кишиларнинг иши «Известия» ва «Советы» учун ана шундай мавзудир.

В. И. Ленин таъбири билан айтганда, Совет ҳокимияти ҳамма учун очиқ бўлган, ҳамма ишни омманинг кўз ўнгида қиладиган ҳокимиятдир.

Буннинг маъноси шуки, бизнинг ҳокимият органларимиз ошкоралик негизида ишлайди, қабул этилган қарорлардан ҳамда уларнинг бажарилиш натижаларидан аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб туради. Бунинг яна бир маъноси шуки, Советлар ўзларининг бутун ишларида кўп миллионли гражданлар активига, кенг меҳнаткашлар оммасининг мададкорлигига таянадилар.

Айни шу Советлар билан аҳоли ўртасидаги жонли алоқани амалга ошириш ҳозир биз муҳокама қилаётган матбуот органларининг бош вазифаларидан биридир.

Партиянинг кейинги йиллардаги энг муҳим қарорлари, мамлакатнинг янги Конституцияси Советлар олдида жуда катта янги имкониятлар очиб бермоқда. Советларнинг иши халқимиз ҳаётининг истисносиз ҳамма соҳаларини —экономика ва маданиятни, маиший хизмат ва савдо-сотиқни, халқ маорифи ва соғлиқни сақлашни, жамоат тартибини, албатта меҳнат фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли газета ана шу масалаларнинг ҳаммасини янада кўпроқ принципиаллик билан ўртага қўйиши керак. Шунчаки ўртага қўйибгина қолмай, балки бу ишни имкони борича тушунарли шаклда қилиши, миллион-миллион ўқувчилар дилига йўл топиш лозим. Шундагина ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада уни ҳақиқатан ҳам орзиқиб кутадиган бўладилар. Бу гап журналга ҳам тааллуқли, албатта.

Гап янги ишни, халқ ташаббусини ривожлантириш тўғрисида борадими, ёки танқидий мақола ҳақида борадими, —жамики тўғри, жамиятга фойдали ишлар ва ташаббусларни газета қўллаб-қувватлашига газетхонларнинг ишончи комил бўлиши ҳам жуда муҳимдир. Ана шунда улар газетани чиндан ҳам ўз газетаси деб биладиган бўладилар.

Ҳозир газета материалларининг айни самарадорлиги, таъсирчанлиги тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилаётганлигининг боиси ҳам шу. Бусиз жўшқин, обрўли, чинакам оммавий газета бўлиши мумкин эмас.

Ниҳоят, «Известия» ҳозир ҳам партиямиз билан давлатимиз ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини, пролетар, социалистик интернационализм ғояларини амалга ошириш ишидаги қудратли қурол эканлиги тўғрисида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бироқ, материалларни эълон қилишда оперативлик оширилган, материалларни янада мароқли, шаклан тушунарли қилган тақдирдагина бу қурол янада таъсирлироқ бўлиб қолади.

Ўйлайманки, бизнинг бугунги муҳокамамиз ва қабул қиладиган қароримиз газета билан журналнинг бундан буёнги ишига ёрдам беради, деб таъкидлади пировардида Л. И. Брежнев.

СССР Олий Совети Президиумининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорида халқ депутатлари Советларининг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини, СССР Конституциясининг талабларини амалга ошириш соҳасидаги кўп қиррали ишини чуқур ёритиш «Известия» газетаси билан «Советы народных депутатов» журналининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги уқтирилди, газета ва журнал ишининг бош йўналишлари белгилаб берилди.

Мажлисда СССР Олий Совети Президиуми фаолиятининг баъзи бир бошқа масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан **А. С. Баркаускас, А. Ф. Ватченко, В. В. Гришин, К. Ф. Ильяшенко, Л. Н. Смирнов, Е. К. Федоров** сўзга чиқдилар.

(ТАСС).

ЛЕНИН ДЕКРЕТИ БИЛАН

Ш. Р. РАШИДОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Бугун Совет давлатининг ҳаётида шонли сана нишонланмоқда. В. И. Ленин Туркистондаги суғориш ишларини ташкил этишга 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги декретни имзолаганига 60 йил тўлди. Ўтган ўн йилликлар бу ҳужжатнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, маданиятини, фани ва халқ маорифини юксалтиришда улкан социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлигини яққол исботлади.

Декрет бир вақтлари қолоқ бўлган районларни тубдан ўзгартишга асос солди, партиянинг ленинча миллий сиёсатини амалга оширишнинг намунаси, Россия ишчиларининг Туркистон ўлкаси меҳнаткашларига қардошларча ёрдамининг ифодаси бўлди. Шу билан бирга 1918 йил 17 май куни мелиорацияни ривожлантиришда принципиал жиҳатдан янги йўналиш бошланган кун бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида сув хўжалиги катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Бу йўл эскириб кетган чиғирдан қудратли насос станцияларигача, ибтидоий ариқлардан кўлбола дарё ва денгизларгача, чинакам ноёб гидротехника иншоотларигача босиб ўтилган йўлдир. Мелиорация ерларнинг ҳосилдорлик қувватини кўпайтирди, аҳолини озиқ-овқат билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлашнинг ишончли омили бўлиб қолди. Ерларни суғориш ва захини қочириш, ҳолатини яхшилаш Коммунистик партиянинг ҳозирги аграр сиёсатидаги бош йўналишлардан бири бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда.

Республикада ердаги жамики жонли ва гўзал нарсаларнинг манбаларидан бири бўлган сувнинг қадрини яхши билишади. Ўзбекистон меҳнаткашлари В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ сув хўжалиги қурилишини кенг авж олдириб, саҳро ерларни унумдор далаларга айлантириш учун кураш бошлаб юбордилар. Ленинчи коммунистлар партияси ўлкани, иқтисодий жиҳатдан тез ривожлантириш, янги ҳаёти учун, мамлакатнинг пахта мустақиллигига эришиши учун бу қаҳрамонона курашга бошчилик қилди.

Мелиорацияга аниқ, илмий ёндошиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уни маҳсулдор соҳага айлантиришда меҳнаткашларга ёрдам берди. Республикада сув хўжалиги қурилишининг баъзи ғоят тўлқинли дақиқалари мана бундай: урушгача бўлган йилларда ғоят ёрқин воқеа Катта Фарғона каналининг бунёд этилиши бўлди. Жуда қисқа рекорд муддатда — 45 кун мобайнида 344 километр масофадаги сув йўли ишга туширилди. Бундай суғориш каналининг бунёд этилиши ўша вақтда ўз миқёси жиҳатидан ниҳоятда улкан воқеа ва ишларни социалистик методда олиб бориш жиҳатидан ажойиб ҳодиса эди.

Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва бошқа сув хўжалиги объектлари кишиларни меҳнатда тарбиялашнинггина эмас, балки сиёсий тарбиялашнинг ҳам мактаби бўлиб қолди. Бу қурилишлар социалистик муносабатларни мустаҳкамлади, кишиларни коллективизмга, уюшқоқликка, ўзаро ёрдамга ўргатди. «Правда» газетаси ўзининг 1940 йил 30 декабрдаги бош мақоласида бундай деб ёзган эди: «Катта Фарғона канали социалистик қурилиш тарихига, давлатимиз тарихига унинг ғоят гўзал саҳифаларидан бири бўлиб, халқ ижодкорлигининг ғоят қимматли дурдонаси бўлиб кирди. Фарғона колхозчиларининг ташаббуси бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалди, худди шундай кўпгина халқ қурилишларини авж олдириб юборишга туртки бўлди. Фарғона ташаббусининг моҳияти шундаки, унда халқнинг янги катта ишлар учун, озод, онгли социалистик меҳнат учун туғилган буюк куч-қудрати ифодаланган».

Амалга оширилган иш нечоғли улкан бўлмасин, у сув хўжалигини янада жадал, сифат жиҳатидан ривожлантиришда янги босқичнинг бошланиши эканлиги маълум эди. Чунки суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини кескин ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор ҳосил олишни таъминлаш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш зарурияти пишиб етилган эди. Ғоят муҳим сиёсий ва халқ хўжалик вазифаларини ерларни кенг мелиорациялаш орқали ҳал этиш мумкин эди.

Ривожланган социализм шароитида ерларни суғориш ва захини қочириш аҳамияти ва амалий имкониятлари шу вақтгача бўлганига нисбатан мисли кўрилмаган тус олди. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми мелиорацияни ривожлантиришда кескин юксалишга асос солди. «Бу ишнинг бир сидра ўтиб кетадиган кампания эмаслигини, бу иш—қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган программа эканлигини, жуда катта куч-ғайрат ва бир талай капитал маблағ ҳамда моддий-техника воситалари сарфлашни талаб қилувчи программа эканлигини равшан тушуниб олишимиз ҳамда буни бутун партияга, бутун халққа қатъий қилиб айтишимиз керак», деб таъкидлаган эди Пленумда Леонид Ильич Брежнев.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан буён 12 йил ўтди. Босиб ўтилган йўлга баҳо бериб, бугун ишонч билан айтиш мумкинки, партиянинг йўли ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди. Мелиорацияни комплекс ривожлантиришнинг кенг миқёсларда ишлаб чиқилган тадбирлари тўғри эканлигини ва ўз вақтида амалга оширилганлигини ўтган давр тўла-тўкис исботлади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини кескин кўтаришга имкон берди, қишлоқда чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар ясашга олиб келди.

Республика партия комитетлари май Пленуми қарорларига биноан сув хўжалиги ишларининг кенг, иқтисодий асосланган программасини ишлаб чиқдилар. Бу программанинг бош йўналиши — янги ерларни комплекс ўзлаштириш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг ҳолатини яхшилаш, яйловларни суғориш, ҳар гектар ердан, ҳар бир кубометр сувдан самарали фойдаланиш учун курашдан иборат эди. Уларнинг ҳаммаси пахтачилик, дончилик хўжалиги, сабзавотчилик, полизчиликни илдам суръатлар билан ривожлантиришни таъминлади, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга имкон берди. Ноқулай об-ҳаво шароитларини қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатишини анча камайтирилди.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг доимий ғамхўрлиги, катта ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли республикада кенг кўламда ирригация ва мелиорация ишлари олиб борилди. Кейинги йилларда сув хўжалиги қурилишига сарфланаётган капитал маблағлар ҳажми муттасил ошмоқда. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистонда ана шу мақсадлар учун 3 миллиард 750 миллион сўм сарфланган бўлса бу беш йилликда қарийб олти миллиард сўм сарфланади.

Қисқа муддат ичида Тахиатош ва Самарқанд гидроузеллари, Чорвоқ ва Каркидон сув омборлари, Қарши, Аму-Бухоро, Катта Наманган каналлари қурилиб ишга туширилди. Ҳозирги вақтда республикада сиғимига бир миллиард кубометр обиҳаёт сиғдира оладиган 15 йирик сув омбори бор. Барча суғориш шоҳобчаларининг узунлиги 158 минг километрга, коллектор дренаж шоҳобчалари эса 75 минг километрга етди. Республика территориясида 900 дан кўпроқ суғориш системалари ишлаб турибди, уларда 93 мингта гидротехника иншоотлари қурилган. Буларнинг ҳаммаси замонавий техника асосида давлатнинг жуда катта ёрдами негизида халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан бунёд этилган.

Сарфланган маблағлар катта самара бермоқда. Йил сайин пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кейинги етти йилнинг ўзида мамлакатга Ўзбекистон хўжаликлари 35,5 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу — планда кўзда тутилганидан тўрт ярим миллион тоннадан ҳам ортиқдир. Тўққизинчи беш йилликдаги ўсиш саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 4,6 миллион тоннани ташкил этди.

Ўтган йили пахтакорларимиз катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга 5.676 минг тонна пахта сотилди. Республика ҳали ҳеч қачон бундай миқдордаги пахтани тайёрламаган эди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам эришилган натижалар салмоқли бўлди. Ленин Декретининг самаралари, партия аграр сиёсатининг куч-қудрати ва донолиги ана шундай!

Ўзбекистон меҳнаткашлари сув хўжалиги қурилишида эришган муваффақиятлари билан, ноёб ирригация-мелиорация системалари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Уларнинг бунёд этилиши бир вақтлари бўм-бўш ётган ерларни гуллаб-яшнатиш имконини берди. Фарғона водийсида, Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларида, Қорақалпоғистоннинг қўриқ массивларида жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кўпчилик қурилишларнинг аҳамияти, характери, миқёси шу қадар жозибалики, уларнинг баъзилари ҳақида муфассал тўхталиб ўтмоқчиман.

Мирзачўл... «Қуш учса қаноти, инсон юрса оёғи куяди» дейишарди чўл ҳақида гап кетганида. Ҳаётдан ном-нишонсиз ер эди Лекин бениҳоя бой эди. Унга сув етказиб беринг-а, дейишарди кексалар, таёқ эксангиз кўкариб чиқади.

Совет кишиси Мирзачўлга оби-ҳаёт берди. Совет кишиси чўлга билак кучини, ақл-идрокини, маҳоратини, жўшқин ғайрат-шижоатини бахш этди. Мирзачўл ҳақида гапирганимизда ҳамиша биз аввало уни ўзлаштиришга новаторона ёндашишни назарда тутамиз. Бу ёндашиш лўндагина қилиб комплекс деган сўз билан ифодаланган.

Комплекс метод негизида йирик сувсиз қўриқ массивларни ўзлаштириш учун сув келтириш, коллектор-дренаж шаҳобчалари қуриш, обод совхоз посёлкалари бунёд этиш, йўл қуриш, электр узатиш линиялари барпо этиш, водопровод ўтказиш, техника олиб келиш, аҳолини сафарбар этиш ва бошқа ишларни бажариш билангина кифояланиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммасини ягона комплексдаги тадбирларга бирлаштириб, унинг сўзсиз бажарилишига эришиш керак эди. Шундай қилинди ҳам.

Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш Янгиер шаҳрини қуришдан, Бекобод ва Жиззахда, Гулистон ва Сирдарёда йирик қурилиш индустрияси корхоналарини бунёд этишдан бошланди. Бунинг чуқур мазмуни бор эди. Жазирама чўлга илгаригидек белкурак кўтариб бормасдан, саҳрога қудратли ер қазиш механизмлари билан ҳужум қилиш зарур эди. Мирзачўлнинг янги зонасидаги барча қурилиш майдончалари монтаж майдончаларига айлантирилсин, деган вазифа қўйилди. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди. 20 йил мобайнида Мирзачўлдаги қурувчи-ишчининг меҳнат унумдорлиги тўрт баравар ошди. Ажойиб муваффақият!

Мирзачўл амалда фақат энг йирик қурилиш майдони бўлиб қолмай, мелиорация қурилишида илғор тажриба мактаби бўлиб қолди. Мукаммал агротехника, машиналар комплекси, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг прогрессив ташкил этилиши далаларда қўл меҳнатини амалда қисиб чиқаришга имкон берди.

Мирзачўл қўриғини ўзлаштиришга қарийб икки миллиард сўм сарфланди. Бу маблағ кейинги йилларда воҳанинг мамлакатдаги энг йирик қурилиш майдонларидан бири бўлиб қолганлигидан далолат беради. Мирзачўл ерларида икки янги область — Сирдарё ва Жиззах областлари ташкил этилди. Улар ҳар йили 700 минг тоннага яқин пахта, кўплаб дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етказиб бермоқда. Қўриқ ерларда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад аллақачонлароқ бу ерларни ўзлаштиришга кетган маблағларни қоплаб бўлди.

Мирзачўлда амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммаси янги ва энг янги техника негизида, фаннинг сўнгги тавсиялари асосида амалга оширилмоқда. Мирзачўлда тўпланган тажрибадан ҳозирги вақтда Қарши ва Жиззах чўлларини комплекс ўзлаштиришда, Амударё делтасида шоликорлик совхозларини ташкил этишда кенг фойдаланилмоқда. Дарвоқе, Қарши чўлида йирик пахтачилик райони ташкил этилмоқда. Кейинчалик бу район салкам 1,3 миллион тонна пахта етказиб берадиган бўлади. Унинг анчагина қисмини ингичка толали пахта ташкил этади.

Илғор механизаторларнинг тажрибасини ижодий ўрганиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда. Партия ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини эълон қилганида ўзбек мелиораторлари янги умумхалқ ҳашарида амалий иштирок этиш учун отрядлар туздилар. Ҳозир улар Иваново ва Новгород деҳқонлари билан қўлни-қўлга бериб ерларнинг захини қочирмоқдалар, совхозлар, чорвачилик комплекслари, уй-жой ва мактаблар қурмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бу ишга қалб даъвати билан бормоқдалар. Чунки улар ҳар қандай катта ишни совет кишилари биргаликда куч-ғайрат сарфлаган ҳолда амалга оширишлари лозимлигини яхши билишади. Қардошлигимизнинг, бузилмас дўстлигимизнинг ёрқин кўриниши ана шунда. Республика ирригаторлари бугунги кунда улуғ ватанимизнинг кўпгина республикаларида ва ундан ташқарида муваффақиятли меҳнат қилаётганликларидан фахрланамиз.

«Қишлоқ хўжалигимизнинг истиқболи — мелиорацияни кенг ривожлантиришдадир», Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мана шу сўзлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг ақли ва қалбига чуқур ўрнашиб қолди. Биз ишни Ленин Декретидан бошлаган эдик, ирригацияга сарфланган дастлабки совет меҳнат сўмларидан бошлаган эдик, Россиядан келган қурувчиларнинг дастлабки отрядларидан бошлаган эдик. Кўплаб республикаларнинг намояндалари, ўнлаб миллат вакиллари ўзбек деҳқонлари билан биргаликда кўҳна заминни яшнатиб юбордилар. Эндиликда биз янада кенг миқёсдаги программаларни бажаришга қодир бўлиб қолдик. КПСС XXV съезди регионда ги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш тўғрисида ғоят зўр ғамхўрлик қилиб, Сибирь дарёларидаги сувнинг бир қисмини Ўрта Осиёга юбориш юзасидан илмий тадқиқотлар ва зарур лойиҳа ишлари олиб борилсин деган вазифани қўйди.

Ҳозир шундай ишлар олиб борилмоқда. Мўлжалланган режаларнинг амалга оширилиши натижасида ҳамон бўм-бўш ётган ерларда янгидан миллион-миллион гектар майдонларга ҳаёт бахш этилади. Экинзорларнинг сув таъминоти яхшиланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир неча баробар кўпаяди. Ғоят катта табиий бойликлар сақлаб қолинади. Шаҳарлар ва посёлкалар, қудратли индустрия гигантлари қад кўтаради, янги-янги мовий сув магистраллари юзага келади.

Партиямиз ана шундай буюк ишларни режалаштирмоқда. Бу буюк режалар негизида суғориш — қурғоқчил ўлкамизни ўзгартиришнинг энг қудратли ва энг муҳим омилидир, деган ленинча гениал башорат ётади. Ўзбекистон мелиораторлари ана шу йўлга амал қилиб, Коммунистик партия раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун бундан буён ҳам барча зарур нарсаларни амалга ошираверадилар.

(«ПРАВДА», 17 май).

ЎЗБЕКИСТОН КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Мамлакат кооператорлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ аҳолисига савдо хизматини такомиллаштирмоқдалар. Қишлоқ жойларда савдо марказлари барпо этиш, мол сотишнинг илғор усулларини жорий этиш соҳасида Ўзбекистон матлубот кооперацияси муайян тажриба тўплади. «Савдо-сотиқни комплекс рационализациялаш» мавзуига бағишланиб 15 май куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ семинари қатнашчилари шу тажриба билан танишадилар. Семинар ишида республикалар, ўлка ва областлар матлубот союзлари правлениеларининг раҳбарлари, иттифоқдош республикаларнинг партия, совет ходимлари қатнашмоқдалар.

Семинарни Центросоюз раисининг ўринбосари Д. И. Гудков очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков семинар қатнашчиларини табриклади.

Республика матлубот кооперациясининг КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Савдо-сотиқни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш соҳасидаги иши ҳақида «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси М. Х. Ҳасанов доклад қилди. Республиканинг кўпгина районларида, деди у, катта-катта савдо марказлари, ихтисослаштирилган турли магазинлар очилмоқда. бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини оширишга кўмаклашади.

Семинар ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. В. Антоненко қатнашмоқдалар.

15 май куни мамлакатнинг барча иттифоқдош республикаларидан келган кооператорлар Орджоникидзе ва Коммунистик районларидаги бир қанча хўжаликларнинг савдо марказлари билан танишдилар. Семинар программасига мувофик улар Андижон, Фарғона ва Самарқанд областларига бориб «Ўзбекбирлашув» савдо корхоналари ишини рационализациялаш тажрибаси билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЧИЗИБ БЕРГАН ПЛАН АСОСИДА

(Боши 1-бетда).

Сўзга чиққан ўртоқлар таъкидлаб ўтганидек, Ленин васиятларига содиқ бўлган партия иқтисодий ишлаб чиқаришни ўстириш вазифаларини ҳал этганида мамлакатнинг бутун экономикасини ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказадиган тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалигига зўр эътибор бермоқда. Партиянинг қишлоқда ўтказиб келаётган ҳозирги сиёсати ленинча аграр сиёсатни янги тарихий шароитларда давом эттириш ва ижодий тарзда ривожлантиришдан иборат.

Партиямизнинг Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март, 1966 йил май Пленумларида, партиянинг XXIV ва XXV съездларида қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан ишлаб чиққан узоқ муддатли комплекс программа ҳаётнинг жиддий синовларига бардош берди. Химиялаштириш, комплекс механизациялаш, ерларни кенг кўламда мелиорациялаш ва барқарор иқтисодий омилларни вужудга келтиришнинг кенг программаси партия аграр-сиёсатининг энг муҳим таркибий қисмларидир. Бу сиёсатнинг изчил амалга оширилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, қишлоқ аҳолисининг турмушини яхшилашга самарали таъсир кўрсатди.

Сессияда таъкидлаб ўтилганидек КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ерларни мелиорациялашни ривожлантиришда янги давр очди. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда сўзлаган нутқида Ленин васиятларига амал қилиб, мелиорацияни умумдавлат ва умумхалқнинг энг муҳим вазифалари даражасига кўтарди. Ернинг унумдорлигини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалигини ноқулай об-ҳаво шароитларидан ва хусусан қурғоқчиликдан ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш соҳасидаги барча тадбирлар комплексининг энг муҳим бўғини бўлиб, бу вазифа ерларни мелиорациялаш кенг программасини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши лозим, деб топилди. Бу ишнинг натижаларини кўрсатиб ўтамиз. Еттинчи беш йилликда мелиорацияга 5,6 миллиард сўм ажратиб берилган бўлса, шундан кейинги беш йилликда 14,3 миллиард сўм, ёки 2,6 баравардан зиёд маблағ сарфланди. Шу беш йилликда ана шу мақсадлар учун 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиб берилади. Халқ хўжалиги тармоқларидан бирортаси ҳам бундай тез ўсиш суръатларини кўрган эмас. Жуда катта кўламдаги ишларнинг бажарилаётганлиги ва суғориладиган ерлардан яхши фойдаланишга катта эътибор берилаётганлиги ана шу ерларда маҳсулот етиштиришни ғоят кўпайтиришни таъминлади. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда суғориладиган ва захи қочирилган ерлар бутун майдоннинг 8,8 процентини ташкил этгани ҳолда деҳқончилик бутун ялпи маҳсулотнинг сал кам 30 процентини таъёрлаб бермоқда. Шу йиллар ичида мелиорациялаштирилган ерларда дон етиштириш 3,4 баравар, шоли 3,8 баравар, маккажўхори 5,3 баравар, сабзавот 2,1 баравар, озуқа экинлари 4,2 баравар ортди.

КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ерларни мелиорациялашга зўр эътибор бериб, катта ёрдам кўрсатаётганлиги натижасида ана шу ютуқларга эришилди. Леонид Ильичнинг ташаббуси билан кўпгина йирик сув хўжалиги проблемалари ҳал этилди. Пахтачилик зонасида янги системаларни вужудга келтириш ва қуриқ ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш, Поволжьедаги ерларни суғориш суръатларини илдамлатиш, Кубанда шоликорлик комплексини вужудга келтириш, РСФСРнинг нокоратупроқ зонасидаги ерларни янгилашнинг улуғвор программаси, Амударё ва Сирдарё, Волга этакларида, Узоқ Шарқда шоликорликни ривожлантириш, Европада энг йирик деб ҳисобланган Каховка суғориш системасини қуриш, Заказказье республикаларидаги ерларни мелиорациялаш, сув чиқариладиган яйловларни кенг ривожлантириш ана шундай проблемалардандир.

Қуйидаги рақамлар Ленининг Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистоннинг жанубида пахтачиликни ва уларнинг бутун экономикасини юксалтириш негизи бўлган суғоришни ривожлантириш ҳақидаги васиятлари бажарилаётган лигини яққол кўрсатиб турибди. Бу республикаларда совет ҳокимияти йилларида суғориладиган ер майдони 3,7 миллион гектардан 9,2 миллион гектаргача кенгайди, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин ўтган 12 йил ичида 3,7 миллион гектар кенгайди ёки шундан аввалги эллик йил мобайнида қанча кўпайган бўлса, шунча миқдорда ошди.

Пахта етиштиришни революциядан илгариги даврдагига нисбатан қарийб ўн икки баравар кўпайди. Пахтанинг сифати ҳам кўп даражада яхшиланди. Энди-ликда Совет Иттифоқи пахта етиштириш ҳажмлари ва унинг ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг ана шу қимматли хом ашёга бўлган эҳтиёжлари тўла таъминланибгина қолмай, қардош социалистик мамлакатларнинг унга бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳам асосан қондирилмоқда.

Сессия қатнашчилари ерларни мелиорациялаш ленинча программаси тантана қилганлиги ҳақида гапириб, Мирзачўлда рўй берган ўзгаришларни зўр ифтихор билан қайд қилдилар. Мирзачўлда мелиорациялаш ва йирик ер массивларини ўзлаштиришнинг кўпгина энг муҳим қоидалари, гидротехника қурилиши ва ишларни комплекс ташкил этишнинг энг янги техникавий ечимлари илмий асосда ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳозирги пайтда Мирзачўл этакларида —Ўзбекистоннинг Сирдарё ва Жиззах областларида, Қозоғистоннинг бир қанча пахтакор районлари, Тожикистоннинг Зафаробод райони ерларида 880—900 минг тонна пахта, яъни бутун Чор Россиясида тайёрланганидан кўпроқ пахта етиштирилмоқда.

Мирзачўл жазирама иссикда қизиб ётган дашт-биёбон эди. Ана шу жуда катта территория тарихан қисқа вақт ичида ватанимизнинг яшнаб турган йирик пахтачилик ўлкасига айланди. Бу ерда 156 та колхоз ва совхоз ўз хўжалигини ривожлантиришда, уларнинг суғориладиган ерлардаги умумий майдони 470 минг гектардан ҳам ошиб кетди. Бу ерларнинг 332 минг гектарида пахта етиштирилади. «Малик», «Боёвут», «Далварзин», «Самарқанд», «Фарғона», «Пахтаорол», Ленин номли совхозлар ва бошқа совхозлар ўзларининг ажойиб муваффақиятлари билан бутун мамлакатда шуҳрат қозондилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу ўлкадаги ерларни суғориш ва қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида кенг кўламда иш олиб бориш тўғрисида қабул қилган маълум қарори Мирзачўлнинг тақдири учун муҳим воқеа бўлди. «Главголодностепстрой»нинг ташкил этилиши қурувчилар ва чўлқуварларнинг аҳил коллективини вужудга келтириш имконини берди. Бу коллектив составида ўзбеклар, қозоқлар, руслар ва тожиклар билан бир қаторда мамлакатимиздаги кўп миллатларнинг вакиллари ҳам меҳнат қилмоқдалар. Ватан ирригацияси тарихида биринчи марта комплекс қурилиш системаси вужудга келди. Бу системанинг моҳияти шундаки, янги ерларни суғориш билан бир вақтда аҳоли пунктларни барпо этилади. Мирзачўлда ишларнинг узлуксиз технологик жараёнининг замонавий системаси таркиб топди. Ёпиқ горизонтал ва тик дренаж қуриш усулининг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги мураккаб гидрогеологик шароитларда қурғоқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш фани ҳамда практикасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлди. Каналлар тубига сув сизиб кетишига йўл қўймайдиган қопламалар ётқизиш, лотоклар, суғориш трубопроводлари биринчи марта кенг жорий этилди.

Пахта етиштиришнинг тамомила янги системаси ишлаб чиқилди. Бу система комплекс механизациялаш ва химиялаштириш асосида меҳнат унумдорлигини кўп даражада оширишни, совхозларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини камайтиришни таъминлади. Мирзачўлни суғориш соҳасида тўпланган тажриба мамлакатимизнинг йирик ер массивларини мелиорациялаштиришда барча эганларининг ҳам таъкидладилар. Бу резервларни дарҳол ишга солишда колхоз ва совхозларнинг, сув хўжалиги ташкилотларининг ходимларига актив ёрдам бериш, фан ва илғор практикада эришган прогрессив усулларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш —олимларнинг шарафли бурчидир.

Сўзга чиққан ўртоқлар қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги органлари ходимлари олдида, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар олдида жуда муҳим вазифа —1978 йилда пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштиришда ҳамда давлатга сотишда янада юксак кўрсаткичларга эришиш вазифаси турганлиги ҳақида гапирдилар. Яқин икки —уч йил ичида давлатга сотиладиган ингичка толали пахта миқдорини икки баравар кўпайтириш учун ана шу қимматли хом ашё етиштиришни ғоят кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, тупроқнинг унумдорлигини, деҳқончилик маданиятини ошириш, суғориш шохобчаларини такомиллаштириш, мавжуд сув ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш соҳасида илмий жиҳатдан асослаб берилган тадбирларни ишлаб чиқишни жадаллаштириш керак. Конкрет тупроқ —иқлим шароитларини етиштириладиган пахта навларини ҳисобга олиб, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган самарали схемаларини ишлаб чиқиш ва уни қишлоқ хўжалик органлари билан биргаликда барча колхоз, совхозларда жорий этиш лозим.

Пахта навларининг потенциал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш — ҳосилдорликни ва пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омилидир. Деҳқончилик маданияти юксак даражага кўтарилган ва минерал ўғитларнинг мақбул дозасидан фойдаланилган тақдирда ҳозирги пахта навлари гектар бошига 50-60 центнердан ҳосил бераолади. Ўрта толали пахтанинг ҳар гектаридан 70-80 центнер ҳосил ва гектар бошига 40-50 центнердан ингичка толали пахта олинадиган яхши навларни вужудга келтириш соҳасида иш олиб борилмоқда. Базифа — суғориладиган ҳар гектар ерда гўза тупларининг мақбул қалинлигида бўлишини таъминлаш ва бутун майдонда уларни тўғри жойлаштиришдан ҳам иборат.

Пахта уруғчилигини саноат негизида уюштириш ва ҳамма жойда туксизлантирилган чигит экишга ўтиш — ҳосилдорликни оширишнинг катта резервидир. Вилтга қарши кураш жуда муҳим проблемадир. Вилтга қарши ҳужумкор воситаларни ишлатиш керак. Вилтга чидамли навларни экиш, пахта-беда алмашлаб экиш, тупроқни ишлашнинг мукаммалроқ усулларини қўлланиш, ўғит солиш, суғоришнинг мақбул режимларидан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий ва биологик воситаларидан фойдаланиш ана шундай воситалардандир. Ана шу хатарли касалликни яқин йиллар ичида қарийб тамомила тугатиш учун унга қарши кураш тадбирларининг бутун комплексини тадқиқ этишни кенгайтириш зарур.

Ҳосилдорликни ошириш барча қишлоқ хўжалик ишларини агротехника жиҳатидан пухта муддатларда бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу эса механизациялаш даражаси ва машиналарнинг сифатини оширишни, пахта етиштириш технологиясини такомиллаштиришни ва техникадан фойдаланишни яхшилашни талаб этади. Бу — меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир. Бу масалалар юзасидан шунингдек ишлаб турган кишиларнинг меҳнат натижаларига қараб олдиндан рағбатлантириш масалалари юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб чиқишлари лозим.

Колхоз ва совхозларнинг далаларига йил сайин янги, замонавий машиналар чиқарилмоқда, пахта етиштиришнинг янада прогрессив технологияси қўлланилмоқда, олинадиган маҳсулотнинг сифатига нисбатан катта талаблар қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш, илмий жиҳатдан асослаб берилган технологияни ижодий тарзда жорий этиш, пахта етиштириш жараёнларини комплекс механизациялаш проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш учун олимлар, мутахассислар, колхозчилар ва совхоз ишчилари зиммасидаги, хусусан механизаторлар зиммасидаги масъулиятни оширади.

ВАСХНИЛ президенти академик П. П. Лобанов сессияда якунловчи нутқ сўзлади. У таъкидлаб ўтганидек, сессия КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси туфайли зўр ижодий руҳда ўтди. Олимлар бу табрикномага жавобан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан биргаликда ўз ишларини янада юксак даражага кўтарадилар, бутун куч-ғайратни илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга, юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планларини тўла ва оширib бажаришга, КПССнинг XXV съезди белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришга сафарбар қиладилар.

Сессия қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.

Сессиянинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари С. В. Зосухин, СССР Госплани раисининг ўринбосари Н. П. Гусев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов, академик В. М. Ремесло, ВАСХНИЛ вице президенти И. С. Шатилов, ВАСХНИЛ академиклари Г. А. Алиев, В. Н. Виноградов, А. В. Пухальский, С. Г. Скоропанов ва бошқа таниқли олимлар қатнашдилар.

ВАСХНИЛ сессиясининг қатнашчилари 18 май куни Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд областларига бориб, ирригация-мелиорация қурилиши иншоотлари билан танишадилар. (ЎзТАГ).

КЎПЛАБ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига амалий жавоб бериш учун қурашаётган коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Барча резерв ва имкониятларни ишга солиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқдалар.

Ферма ва бўлимларнинг мутахассислари, молбоқарлари, ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, дастлабки ютуқни қўлга киритдилар. Квартал плани муддатидан олдин бажарилди. 122 ўрнига 200 тонна гўшт топширилди. Гўштга сотилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 534 килограммга тўғри келди.

Ш. Қодирова, Г. Усмонова сингари бўрдоқичиларимиз ҳар бир қорамолнинг кеча-кундузда бир килограммгача семиришига эришдилар. Бу йил ҳаммаси бўлиб 558 тонна гўшт етиштирилади, шундан 422 тоннасини давлатга топширишга аҳд қилганмиз. Ем-хашакдан тежамкорлик билан фойдаланамиз.

Совхозда 1600 гектарга яқин бедазор бор. Шундан 1072 гектари эски, 401 гектари эса янги. Биз озуқани кўпайтириш, беда ўримини намунали уюштириш тадбирларини кўриб қўйдик. Беда, арпа, рапс, судан ўтлари уруғи билан аралаштириб экган эдик. Бу яхши натижа берди. Дастлабки ўримдаёқ гектаридан 160 центнердан кўк беда олиняпти. Бу мўлжалдагига нисбатан анча кўпдир. Беда ҳосили ўриб олинган поллар пешма-пеш озиқлантирилиб, сув берилняпти. Ёил давомида бедани камида олти марта ўриб оламиз. 140 ўрнига 220 центнердан беда пичани йиғиш—асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ем-хашак тайёрлашда иш қуролларидан моҳирлик билан фойдаланиляпти. Машиналарнинг меҳнат унумдорлиги оширилаётир. КИР—1.5, КУФ—108 агрегатларининг тўла қувват билан ишлаши таъминланганлиги туфайли биринчи ўрим тез ва уюшқоқлик билан тамомланди. 2, 4-фермаларнинг емхашак бригадалари бедани иккинчи марта ўришни кучайтириб юборишди. Ўрилган беда кўк ҳолида майдаланиб, молларга берилиши туфайли маҳсулдорлик ортмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йилда ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорида чорвадорларнинг шу кунлардаги вазифалари конкрет белгилаб берилган.

Бу йил ёғингарчилик кўп бўлди. Қир-тепаликларда, ариқ четларидаги табиий ўтлардан жуда кўп пичан тайёрлаш мумкин. Биз шуни ҳисобга олляпмиз. Дағал хашак тайёрлаш, пичан ўришга қўшимча ишчи кучлари сафарбар қилинди. Сенаж бостириш кучайиб кетди. Айрим хўжаликларда бу ишга кўпинча тегишинча эътибор берилмайди. Ўрилган беда баъзан майдаланиб, баъзан эса майдаланмасдан ўраларга солиниб қўйилаверади. Оқибатда эса моғорлаб, сифати бузилади. Бундай сенажни мол иштаҳа билан емайди, нушхурда чиқаради.

Биз бундай бўлишига йўл қўймаймиз. Ўрилган бедалар уч-тўрт соат жойида қолдирилиб, сўлитилади. Кейин йиғиштирилиб, майдалангач машинага ортилади. Махсус ўраларга солингач занжирли тракторлар ёрдамида шиббаланади. Сўнг устига полиэтилен ёпилиб, тупроқ билан беркитиб қўйилади. Бу усулда тайёрланган сенаж хушхўр бўлиб, озуқа моддалари тўла сақланиб қолади. Биз биринчи ўримнинг ўзиданоқ 3 минг тонна сенаж бостириб қўйдик.

Ҳозирдан бошлаб чорва қишловига тайёргарлик кўрилмоқда. Молхоналарни ремонт қилиш, қўшимча бинолар қуриш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги кўрсатмаларини амалга ошира бориб, зиммамизга олган мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

И. ЗУФАРОВ,
Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникуми директорининг ўринбосари.





Коммунистик районидаги машъал «Политотдел» колхози чорвадорлари бу йил 5 минг тонна сенаж жамғариш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача барча майдондаги беда бир марта ўриб олинди. Хўжаликнинг Даур Эм бошлиқ участкаси аъзолари беда ҳосилдорлигини гектар бошига 200 центнерга етказиш мажбуриятини олганлар. Суратларда: участка бошлиғи Д. Эм ва беда ўриш пайти. И. Душкин фотолари.

ЖАСОРАТГА УНДОВЧИ АСАР

Советлар уйининг катта мажлислар залида Оржоникидзе район идеология ходимлари активи йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» китобига бағишлаб ўтказилган бу йиғилишни район партия комитетининг биринчи секретари Ё. П. Пўлатов қисқача кириш сўзи билан очди.

«Кичик ер» китоби ҳақида район партия комитетининг секретари Д. Ж. Шарипова доклад қилди.

— «Кичик ер» китоби,— деди докладчи,— Улуғ Ватан урушида совет жангчиларининг, қаҳрамон совет халқининг матонат ва жасорати ҳақидаги тарихий асардир. Китобда ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг чинакам коммунистлиги, чинакам раҳбарлиги, кишилар учун ўта ғамхўрлиги каби юксак фазилатлари аниқ тарихий мисоллар, воқеалар, жанговар манзаралар билан кўрсатиб берилган.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда район ҳарбий комиссари Қ. Боқаев, район болалар кутубхонасининг мудири В. И. Рибникова, 7-мактаб директори Л. М. Стерин, Тошкент кооператив техникуми партия ташкилотининг секретари М. Х. Султонова, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчиси А. М. Чистяков ўртоқлар қатнашдилар. Улар ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» китоби катта сиёсий воқеликни ўзида тўла акс эттирганлигини, у китобни фақат катта ёшдаги кишиларгина эмас, балки ёшларимиз ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб, ўрганаётганликларини таъкидладилар.

Китобдаги ҳақиқий коммунист образи барча совет кишилари учун ҳамиша намуна бўлиб қолажаги, «Кичик ер» совет кишиларини янгидан-янги ғалабаларга чорловчи, ватанпарварликка, интернационализмга ундовчи асар эканлиги қайд этилди.

Идеология ходимлари активи йиғилиши кўрилган масала юзасидан резолюция қабул қилди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

ЖЕНЕВА, 16 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун Швейцария Меҳнат партиясининг бош секретари А. Маньен, ШМПнинг фахрий раиси Ж. Венсан, ШМП сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси Х. Хофер, ШМП сиёсий бюросининг аъзоси Я. Лехляйтер билан учрашди.

Ҳар икки партия ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан ва КПСС билан ШМПни қизиқтирувчи бошқа муҳим проблемалар юзасидан ўртоқларча фикрлашиб олинди. Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

КОЛОМБО ШАҲРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ПЛАНИ

КОЛОМБО, 16 май. (ТАСС мухбири). Шри Ланка ҳукумати мамлакат пойтахти, шунингдек унинг энг катта саноат, савдо ва маданий маркази Коломбо шаҳрини реконструкциялаш ва обод қилиш планини ишлаб чиқди. Шундай планни тузиш зарурати аллақачонлар етилган эди. Расмий маълумотларга қараганда, шаҳардаги аҳолининг ярмидан кўпроғи ғоят оғир аҳволда кун кечирмоқда. Юз минглаб кишилар электр, водопровод, канализация бўлмаган кулбаларда яшамоқдалар. Қарийб 10 мингта уй минораси бузилиб ётибди. Шаҳардаги кўпгина районлар ҳатто кунduз куни ҳам юриш хавфли бўлиб қолган жиноятчилик ва нашавандлик маконига айланган.

Ишсизлик ҳам шаҳар учун яна бир жиддий проблема ҳисобланади. Шри Ланкадаги барча шаҳар аҳолисининг 70 проценти истиқомат қилаётган Коломбода меҳнатга яроқли ҳар тўрт кишидан биттаси ишсиз. Ишсизларнинг ярмидан кўпини 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Пойтахт аҳолисининг қарийб 55 проценти расмий равишда эътироф этилаётган даражасидан кўра қашшоқ ҳаёт кечирмоқда.

Энг кам ҳисоб-китобларга қараганда, шаҳар учун яна қарийб 300 та мактаб керак. Транспорт тармоқларининг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун камида 2 минг та янги автомобиль талаб қилинади. Планда касалхоналардаги ўринлар сонини кўпайтириш, бир қанча юз километр узунликда водопровод ва канализация қуриш, байроналарни тугатиш, янги йўллар қуриш, кўкаламзорлаштириш ва шу сингари ишларни қилиш керак. Ҳукумат 2 миллиард рупия чамаси маблағни талаб қиладиган шу программани халқаро валюта фондининг берадиган ёрдами билан амалга оширмоқчи. Аммо бундай капиталистик валюта-молия ташкилотлари ёрдам берган тақдирда улар мамлакатнинг миллий манфаатларига тамомила хилоф бўлган шартларни қўйишлари маълум.

А. БИЧКОВ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ГАВАНА, 16 май.(ТАСС). Пойтахтдаги «Гавана либре» меҳмонхонасида блокларга қўшилмаган мамлакатлар координация бюросининг 6-сессияси очилди. Сессиянинг ишида бюрога аъзо бўлган 25 давлат делегациялари қатнашмоқда. Бундан ташқари сессияда яна 11 давлат делегацияси кузатувчилар сифатида иштирок этмоқда.

Координация бюроси БМТ Бош ассамблеясининг куролсизланишга бағишланган фавқулодда сессияси арафасида тўпланди. Шу сабабли блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг БМТ Бош ассамблеясининг махсус сессиясига тайёргарлик ва уни ўтказиш соҳасидаги хатти ҳаракатларни координациялаш масалалари бюро ҳозирги сессиясининг диққат марказида турибди.

КОПЕНГАГЕН. Данияда ишсизлик аҳолининг қарийб ҳамма табақаларини, шу жумладан олий маълумотли маълумотли 4.200 мутахассис рўйхатга олинди. Бу — ўтган йилнинг бошидагига нисбатан 1.200 нафар кўп. Гуманитар билим соҳасида ишловчи мутахассисларнинг иш топиши жуда мушкул бўлиб қолди. Булар ўртасида ишсизлар сони бир йил ичида қарийб икки баравар ортди.

ВАШИНГТОН. Маъмуриятнинг иқтисодий сиёсатидан америкаликлар ғоят кўпчилигининг хафсаласи пир бўлиб қолди. Харрис хизмати бўлими жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатган саволларга олинган жавоблар буни исбот қилади. Жавоб қайтарганларнинг 76 проценти маъмуриятнинг инфлацияга қарши курашдаги хатти ҳаракатларига салбий баҳо берди. Жавоб қайтарганларнинг 49 проценти АҚШ экономикаси яқин йил ичида яна тушкунлик хавфи остида қолади, деб ҳисоблайди.

КАРАКАС. Чилидаги корхоналардан 250 талан кўпроғи ўтган йили хонавайрон бўлди. Матбуот хабарларига кўра, неча ўн минглаб ишчи хонадони тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлиб қолган. Майда ва ўрта корхоналаргина эмас, балки йирик завод ва фабрикалар, шу жумладан «Фаррилос» корхонаси ҳам ёпилди. Улар Пиночет ҳарбий-фашист режими ҳукуматининг ҳомийлигидан фойдаланаётган маҳаллий ва чет эл компанияларининг шафқатсиз конкуренциясига бардош беролмадилар.

ТУНИС. Тунис Республикасида чет эл мустамлакачиларининг ерларини тамомила национализация қилиш тўғрисидаги қонун қабул этилган кунининг 14 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мустақил тараққиёт йилларида асосан шимолдаги маҳсулдор районларда 670 минг гектар ер тунисликлар ихтиёрига топширилди.

Маҳаллий матбуотнинг таъкидлаб ўтишича, чет эл ер эгалигининг тугатилиши Тунис ҳукуматининг муҳим сиёсий тадбири бўлди. Бу тадбир миллий мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

БИРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ДАМАШҚ, 16 май. (ТАСС). Фаластин Озодлик Ташкилоти Марказий кенгашининг 20 май куни Сурия пойтахтида очиладиган кенгашида Миср президенти Садатнинг давом этаётган тасликлик ҳатти ҳаракатлари ҳамда Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси натижасида Яқин Шарқдаги кейинги воқеалар асосий мавзу бўлади. Фаластин миллий кенгаши ҳамда Фаластин Озодлик Ташкилоти марказий кенгашининг раиси Х. Ал-Фахум шу ҳақда гапирди.

У Фаластин қаршилик ҳаракатидаги ҳамма отрядлар бирлигини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб, душман билан Садат бошлаб берган бевосита мулоқат араблар бирдамлигига катта зарар етказади, деди.

Бўлажак сессияда АҚШнинг умуман араб миллатига ва Фаластин араб халқига нисбатан тутган душманлик позицияси муҳокама қилинади, деди Ал-Фахум.



Ҳамза номидаги мусиқа билим юртидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида жуда кўп ёш талантлар иштирок этади. Суратда: ансамбль раҳбари, дирижёр С. Каримов талабалари билан бирга.

С. Маҳкамов фотоси.

ШИФОБАХШ МАСКАН

Бош врач Очил Фозилов билан шифохона агрономи Дўстбой Мададбеков эрта баҳорда экилган ниҳоллар ривожини кўздан кечириб юришарди. Шифохонанинг территорияси поёнсиз боққа ўхшайди. Баланд-баланд дарахтлар остига қўйилган ўриндиқларда, сўхбатхоналарда беморлар ҳордиқ чиқариб ўтиришибди. Улар республикамизнинг турли районларидан шифо излаб келишган.

Шифохонанинг ташкил этилганига чорак асрдан ошиб қолди. Ўша кезларда тасодифан ер остидан иссиқ сув чиқиб қолдию, шу баҳонада 120 ўринли шифохона қурилишига киришилди. Иссиқ сувда ҳикмат кўп экан. Асаб, ошқозон-ичак, бод, жигар касалликларига учраган беморлар минерал сув ёрдамида дарддан фориғ бўлдилар.

Йиллар ўтиши билан янги шифохонанинг довруғи ҳамма ёққа ёйилди. Энди ўринлар сонини кенгайтириш, янги бинолар қуриш лозим бўлиб қолди. Республика ҳукумати қарори билан 300 ўринли янги корпус қурилишига қўл урилди. Очил Фозилов ўша кезлар арафасида шифохонага бош врач бўлиб келган эди. Бундан олдин у Фарғонада кўп йиллар ишлади, ботаника боғини ободлаштирди. Унинг ташкилотчилиги ва уддабуронлиги бу ерда иш берди. Қурилишнинг бошида ўзи турди. Янги корпус қисқа вақтда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шу корпус атрофида яратилган янги боғ ва гулзорлар ҳозир кўзни қувонтиради.

— Бу ерда яна бир кичик корпусимиз ҳам бор,— деди бош врач бизни юқори томонга бошлаб.— Уни врачимиз Дина Семёновна Маргунис ўз маблағига қурдирган.

Дина Семёновна ветеран шифокорлардан. У Улуғ Ватан уруши йилларида Одессада эвакуация қилинган эди. Олдин Хивада яшади. У ерда медицина хизматини намунали йўлга қўйишда қатнашди. Кейинчалик Тошкент минерал сувлари шифохонасига бош врач ўринбосари бўлиб келди. Шу-шу ўз тақдирини шу шифохона билан боғлади. Кейинчалик ўз маблағлари ҳисобига шифохона учун мўъжазгина бир корпус қуриб беришга қарор қилди. 25 ўринли бу корпусда ўшандан бери неча юзлаб беморлар дардларига шифо топишди.

Дина Семёновна 75 баҳорни қаршилаган бўлсада, ҳамон у шифокорлар сафида. Шогирдлари турли хил маслаҳатлар билан унга мурожаат қилишади. Ҳайринисо Мажидова, Акбар Тўлаганов каби врачлар ҳам ёшларга устоз. Шифокорлар қўлланган усуллар даволашда яхши самара бермоқда.

Тошкент минерал сувлари шифохонаси ходимлари хизматидан беморлар мамнун. Урганчлик М. Матрасулов, фарғоналик Н. Боқижонов, самарқандлик И. Урозалиева, жиззахлик М. Қодиров ва бошқа ўртоқлар шифохонанинг таклифлар дафтарига қалб сўзларини ёзиб қолдиришган. Улар ўзларини дарддан ҳалос этган шифокорларга минг бор ташаккур изҳор этганлар.

— Беморларга фақат дори-дармонгина эмас, сув, ҳаво, гўзал манзара ҳам даво бўлади,— дейди бош врач.— Шу боисдан ҳам биз бойимизни яна ҳам гуллатмоқдамиз. Бу йил 200 туп арча, 100 туп чинор, 800 тўп мевали дарахт кўчатлари ўтказдик. янги гулзорлар ташкил этдик. Экган ниҳолларимиз ҳозир барқ уриб ўсаяпти.

Очил ака поёнсиз боғларга завқ билан боқади. Одам ўз меҳнати самараларини кўрганда шундай завқланади. Ҳозир бу ернинг суви ва ҳавоси ҳам, табиати ва боғ-роғлари ҳам кишиларга хизмат қиляпти. Беморлар дардларига шифо топиб, яна ўз она қишлоқларига янги куч ва кўтаринки руҳ билан қайтмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Ж. АБДУЛЛАЕВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● САБЗИ шарбати киши организми учун зарур бўлган каротин, кальций, фосфор тузларига ва темир моддаларига бой. Сабзи шарбатининг бошқа сабзавот шарбатларига қараганда калорияси ортиқ. У болаларга, ҳомиладор аёлларга ва эмизикли оналарга жуда фойдали.

● ЯНГИ узилган помидорнинг банд томонини юқорига қилиб, бир қатордан териб қўйилса узоқ сақланади.

● БАЛИҚ қовурилган товани қуюқ чой билан ювилса балиқ иси келмайди.

● САБЗАВОТ ва резаворларни қозонга солишга яқин артиш ва ювиш керак. Агар бироз бурунроқ артиб қўйилган бўлса, сувга солмай тоза ҳўл сочиққа ўраб қўйишининг ўзи кифоя қилади.

● САБЗАВОТЛИ таомларни пишган заҳоти дастурхонга тортиш керак. Чунки, уч соатдан сўнг «С» витаминидан фақат 20 процент қолади. Қайта иситилган сабзавот таомларида эса «С» витамини тамоман йўқолиб кетади.

● ЖАЗИРАМА иссиқ кунларда минерал сув ёки бироз шўрроқ сув ичилса, биринчидан, организм минерал тузларга бойийди, иккинчидан бу тузлар танада кераклигича миқдордаги сувнинг сақланиб туришига ёрдам беради.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

20, 21, 25, 26 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ҳ. МУҲАММАД асари — М. ЛЕВИЕВ мусиқаси

«ТОШКЕНТНИНГ НОЗАНИН МАЛИКАСИ»

(2 парда, 8 кўринишли мусиқали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Концертмейстер — М. ФУРМАН.

Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.

Режиссёр ассистенти — С. ОДИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщчиклар, сувоқчилар, қурувчи дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электрпайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН НИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ЎРТА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси, 74-уй (34, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

СПОРТ

МЕДАЛЛАР УЧУН КУРАШ

Белградда бокс бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Чорак финал мусобақалари бошланди. Ғолиблик учун Куба, СССР, Югославия ва АҚШ командалари даъвогарлик қилишмоқда. Ярим финал мусобақалари бошлангунга қадар Куба терма командаси сафидан фақат бир боксчи мағлубиятга учраган эди. СССР ва Югославия командалари эса учтадан вакилдан ажралишди. АҚШ боксчилари бешта мағлубиятга учрадилар.

Чорак финалда совет боксчиларидан А. Михайлов билан В. Савченколар биринчи бўлиб ярим финалга йўлланма олишди ва кам деганда бронза медалига сазовор бўлдилар. Кеча қолган беш боксчимиз ҳам чорак финал ўйинларини ўтказишди.

●

ЖАҲОН ВЕЛОПОЙГАСИ

Кеча жаҳон велопойгаси қатнашчилари Карлови Вари—Прага оралиғидаги 185 километрлик олтинчи босқичини босиб ўтдилар. Гера—Карлови Вари оралиғидаги 158 километрлик масофада бўлган пойга кубалик Карлос Кардет маррага биринчи бўлиб келди.

Беш босқичдан кейин шахсий ҳисобда ҳамон ГДР вакили Шмайссер олдинда бормоқда. Унинг натижаси 16 соат 54 минут 05 секунд. Совет спортчиси А. Пикуус пешқадамдан 15 секунд фарқ билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. А. Гусятников билан Ю. Захаровлар ҳам шахсий ҳисобда кучли учликдан жой олиш учун курашмоқдалар.

Умумкоманда ҳисобида СССР терма командаси олдинда бормоқда. Спортчиларимиз иккинчи ўринни эгаллаб турган ГДР вакилларидан 4 ярим минут вақт ютиб туришипти.

●

«КУБАНЬ» ПЕШҚАДАМ

Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида Краснодарнинг «Кубань» командаси пешқадамлик қилмоқда. Бу коллектив сўнгги турда ўз майдонида Минскнинг «Динамо» командаси билан бўлган ўйинда 1:1 ҳисобида дуранг қилган бўлсада, 14 очко билан биринчи лигада ягона пешқадам бўлиб турибди. Ростовнинг армия спорт клуби ва Кутаисининг «Торпедо» командалари 12 тадан очко тўплаб иккинчи, учинчи ўринларда боришмоқда.

ҲУРМАТГА САЗОВОР

ЎРТА ёшлардаги бу киши кўпларга таниш. Унинг мулойим чеҳрасида доимо табассум. Ҳар бир харидорни самимий қарши олади. Шунинг учун Нуриддин ака хизмат кўрсатаётган секция ҳамиша гавжум. Савдо ходимига мурожаат қилаётгандарнинг бири ўқитувчи, бири олим, яна бири студент, хуллас турли касб эгалари.

— Менга мана бу папкангизни кўрсатинг.

— Марҳамат, бунисини ҳам қараб кўринг.

— Чизмачилик тахтасидан борми?

— Бор, ўғлим, мана марҳамат...

У тез-тез харидорнинг истагини бажо келтиради, дидига мос товарни танлашга кўмаклашади, эҳтиёж кўпроқ нарсани эса қайд қилиб қўяди...

Канцелярия товарлари бўлимида кундалик турмушимизда учраб турадиган энг оддий буюмлар — қалам, ручкадан тортиб ҳисоблаш ва ёзув машиналари билан савдо қилинади. Мана шу камтарин хизмат постидаги кўп йиллик фаолият биз ҳикоя қилаётган Нуриддин ака Раҳимовга катта обрў-эътибор келтирди. Унинг пойтахтимиздаги марказий универсал магазинининг шу секциясига ишга келганига 30 йил бўлди. Шу давр мобайнида ҳалол, виждонан меҳнат қилиб, план-топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажарди. Кейинчалик ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда савдо техникумини сиртдан битириб чиқди. Ҳозир «Совет савдоси аълочиси» деган фахрли ном эгаси, шу секциянга мудирлик қиляпти.

Нуриддин ака бошлиқ коллектив Н. Тожарева раҳбарлик қилаётган фото буюмлари секцияси билан бир неча йилдан буён мусобақадош. Харидорларга ширин муомалада бўлиш, товарлар ассортиментини мунтазам бойитиб бориш ва юксак савдо маданиятига эришиш учун кураш мусобақанинг асосий шартларидан ҳисобланади. Ана шулар эвазига ҳар иккала секция план-топшириқларини ортиғи билан бажараяпти. Масалан, Нуриддин ака раҳбарлик қилаётган коллективда март ойида пландаги 68 минг ўрнига 81 минг 600 сўм савдо қилинди.

«...Мен ушбу секция ходимларидан, айниқса, унинг мудири Н. Раҳимовдан жуда миннатдорман, — деб ёзибди «Таклифлар дафтари»га харидор Б. В. Андреев. — У ҳар бир келувчига эътибор билан муомалада бўлади, уларга зарур буюмни танлашда сидқидилдан ёрдам беради.

Дарҳақиқат, намунали фаолияти учун учта медаль ва корхонанинг ўндан зиёд фахрий ёрлиғи билан мукофотланган Нуриддин ака Раҳимов ўз тажрибасини ёшларга тинимсиз ўргатиб боряпти. Шу секциядаги А. Қодиров, Ф. Сулаймонова ва М. Юсупова сингари комсомол аъзолари ўз устозлари изидан бориб, харидорларга кўнгилдагидек савдо хизмати кўрсатиш учун курашмоқдалар.

Б. АҲМЕДОВ.

БЕМИННАТ ОИЛА

ЛАВҲА

Камол ота нонуштадан сўнг бироз айланғани ташқарига чиқди. Икки бўйи анвойи гулларга бурканган йўлка четларига қўйилган ўриндиқларда нуроний отахонлар суҳбатлашиб ўтиришибди. Баҳор келиши билан пансионат ҳовлиси яна ҳам кўркамлашиб кетди. Олма ва ўриклар, гилос ва олхўрилар чамандек гуллади, ғунчаларда асаларилар ғувиллай бошлади. Навдаларни сийпаб ўтаётган майин шабада гуллар сасини олиб келиб, киши димоғига уради.

Камол ота тўйиб-тўйиб нафас олди. Табиат қўйнига чиқиши билан эрталабки ланжлик йўқолгандай бўлди, руҳи енгиллашди. Шу дамда машинасига ўтириб шаҳар айланиси келди ва хассасига таянганича гулзорлар оралаб, бир-бир гараж томон юрди.

Ҳаммасига лаънати уруш айбдор. Барча тенгқурлари қатори Камол аканинг ҳам тўрт мучали соғ эди. Харьков остоналарида бўлган аёвсиз жангларда душман ўқидан бир қўл, бир оёғи ногирон бўлиб қайтди. Давлат уни ўз паноҳига олди. Беминнат оиланинг азиз фарзандидек эъзозлади.

Ҳа, кексалар пансионати катта ва иноқ оилага қиёс. Бу ерда Камол ота Кўрчиевга ўхшаш уруш ва меҳнат ветеранлари яшашади. Камол ота бу хонадоннинг тўнғич фарзандларидан. У пансионат ташкил топган кезлардан бери истиқомат қилиб келяпти.

Илгари Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи ичидаги кичиккина бино шаҳар кексалар пансионати учун ажратилган эди. Зилзиладан сўнг у бузилиб, вақтинча Ғазалкент томонга кўчди. Шу кезларда 2-Қорақамиш массивидан салкам етти гектарлик жой ажратилиб, бош план асосида республика кексалар пансионатига пойдевор қўйилди. 1972 йилда 150 ўринли дастлабки корпус қуриб битказилган, пансионат яна Тошкентга кўчиб келди...

Камол ота машинасини юргизиб, темир дарвозадан катта кўча бўйига эндигина чиққан ҳам эдики, рўпарадан пансионат директори Шариф ака Тешабоев келиб қолди. Салом-аликдан сўнг Шариф ака Камол отани янгиликдан хабардор қилиб қўйди:

— Қаерга кетаётган бўлсангиз ҳам тушгача албатта етиб келинг. Бугун заводдан меҳмонлар келишади. Улар сизни Ғалаба куни билан қутлаб кетишмоқчи.

Шариф аканинг ўзи ҳам уруш ветерани. Фашист қузғунларига қарши ҳаво жангларида неча бор қатнашиб ғолиб чиққан. Кўксини безаб турган Қизил Юлдуз, Ватан уруши орденлари, қатор жанговар медаллар ўша қаҳрамонлик йилларидан хотира. Урушдан кейин ҳам у кўп йиллар республика аэрофлотини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Фарғона, Нукус учувчиларига раҳбарлик қилди. «Аэрофлот хизмати аълочиси» нишони шу хизматлари учун берилган.

Ишчан ходим пенсияга чиққандан кейин ҳам тинч ўтиролмади. Умр бўйи меҳнат билан яшаб келган одам дарров ишни соғиниб қолар экан. Пансионатга директор бўлиб келди-ю, яна ёшлардек ғайрат билан ишга киришиб кетди. Дарров ноинзоотор қурилишини бошлаб юборди. Биринчи группа инвалидларига корхона ва ташкилотларнинг оталиқ ёрдамини кучайтирди, теварак-атрофни ободонлаштирди, боғ-роғ ва гулзорларни кенгайтирди.

Ҳозир пансионатда истиқомат қилаётган уруш инвалидларини шаҳардаги корхоналар коллективлари ўз оталиқларига олишган. Керамзит заводи ишчилари Камол Кўрчиевга оталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. Ҳар байрам ва янги йил арафасида ишчиларнинг вакиллари ветеран жангчи ҳузурига келиб, уни совға-саломлар билан йўқлаб кетишяпти. Олдинги байрамларда Камол отани қўл соати билан қутлашди, машинасига янги аккумулятор олиб келишди, гараж қуриб беришди. Бу йилги Ғалаба байрами арафасида эса «Спидола» радиоприёмнигини совға қилишди. Отахон истиқомат қилаётган шинам хонада энди радио ҳам, телевизор ҳам бор. Истаса куй тинглайди, истаса кино кўради.

Кўшни хонада яшаётган Али ота Бегиев ҳам жанговар йўлни босиб ўтган. Ёшлигида у учувчиликни орзу қилди. Мақсадига эришди ҳам. Лекин кўп учолмади. Саломатлиги тўғри келмай самолёт билан барвақт хайрлашди. Уруш бошлангач танк қўшинларида хизмат қилди. Курск ёйида бўлган дахдам, акам эса фронтга кетди. Орадан кўп ўтмай укам ҳам жангга кирди. Кейин у ҳам фронтдан қайтмади.


Евгения Кузьминичнанинг кўзларида ёш қалқиди.

— Қўй энди, Женя, — Али Юсупович хотинини юпатди.— Ҳалок бўлган куролдошларимни эсласам менинг ҳам кўнглим бузилиб кетади. Ушалар яшай олмаган умрни энди биз яшайлик. Қара, шу ернинг ўзида уруш қатнашчиларидан ўттиз киши истиқомат қиляпти. Ҳукуматга раҳмат. Турмушдан, юриш-туришдан кам жойимиз йўқ. Тўққизинчи май арафасида бўлган концертни қара, қандай яхши. Кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Ўқувчиларнинг бизга тақдим қилган қучоқ-қучоқ гулларини-чи.

Ҳа, ўша куни пансионатда ростдан ҳам катта байрам бўлди. Ҳамза ва Глиэр номли мусиқа билим юрти талабалари, бадиий ҳаваскорлар энг яхши куй ва қўшиқларини отахон ва онахонларга ҳадя этдилар. Ундан кейин бадиий фильм қўйиб берилди. Кечга томон шаҳар бўйлаб сайрга чиқишди. Кўнгиллари ёзилиб, яна ўз жойларига қайтиб келишди. Ҳадемай, пансионат яна ҳам кенгаяди. Ҳозир 250 ўринли яна бир корпус қурилишига тайёргарлик кўрилмоқда.

Меҳнат қилган элда азиз, деб шуни айтадилар-да. Ўз вақтида халқ, Ватан учун ҳалол хизмат қилган кишилар бугун роҳат-фароғатда. Беминнат ҳамширалар, ҳамиятли хизматчилар отахон ва онахонлар бошида парвона. Уларни меҳр билан парваришлаб, ўз бурчларини ҳалол ўтамоқдалар. Кексаларни кафтида эъзозлаётган қалби дарё кишиларга бош эгиб, дил ташаккурини изҳор этсак арзийди.

Ж. НОСИРОВ.



Халқлар дўстлиги музейида чех журналисти, совет кишиларининг яқин дўсти Юлиус Фучикка бағишлаб очилган кўргазмани тошкентликлар зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Экспонатларда Фучик ҳаёти ва унинг Ўзбекистонда бўлган даври акс эттирилган. Суратда: кўргазма залида.

А. Абалян фотоси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.30 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Шеърларни ўқиб...». 10.25 — «Голубка» (бадиий фильм, 2-серия). 11.30 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «14 дан 18 гача». 16.30 — Концерт. 17.00 — «Горичлар, қардасиз?». 17.30 — Бокс бўйича жаҳон чемпионати. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Рассмлар қуёш акси бор. 19.05 — «Миллионлар ленинча университети». 19.35 — Концерт. 20.20 — «Голубка» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.30 — «Норильск билан учрашув». 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Зоология. 13.00 — Ҳужжатли фильм: 13.20 — «Малишок». 18.00 — «Ёшлик». 18.30 — «Ҳаёт каби тирик». 19.00 — Яна бир марта газ ҳақида. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Ижод саҳифалари». Р. Ғамзатов. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Шу куннинг қўшиқлари». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Пилла — бойлигимиз». 22.15 — «Парвона» (спектакль).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.40 — «Беш йиллик илгорлари». 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Назарий механика. 21.30 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Чио-Чио-Сан**, 19/V да **Жизель**, 21/V да **Сўғд элининг қоплони** (12.00). **Чио-Чио-Сан** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/V да **Рўйхатларда йўқ**, 19/V да **Кўрмайин босдим тиконни**, 20/V да **Қиёмат қарз**, 21/V да **Келинлар қўзголони** (12.00). **Олтин девор** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/V да **Она қизим**, 19/V да **Гулбаҳор қани?** 20, 21/V да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Парол: «Зангори нилуфар»** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Парол: «Зангори нилуфар» — «ЧАЙКА» (11.30, 14, 16.15, 18.30, 21.00)

Мўйловли энага — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Шум бола — ҲАМЗА номли, «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Меҳрибонлик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Меҳрибонлик — «ХИВА» (20.30).

Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси раҳбарлиги, партия ва комсомол ташкилотлари Тошкент район ички ишлар бўлимининг балогат ешига тўлмаганлар билан ишлаш бўйича участка инспектори, милиция кичик лейтенанти

Учқун Қурбонович РАҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси коллективи 1-«Узбексвязьстрой» трестининг Тошкент область кўчма механизациялаштирилган колоннаси бошлиғи

Хабибулла Султонович СУЛТОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент область Давлат педагогика институти коллективи доцент П. Б. Баратовга отаси

Барат ТУРДИЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор, ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07591. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Д—2408.